# Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

| | Млрд. сўм | 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 35750,6 | 107,5 |
| Саноат маҳсулоти | 23908,6 | 106,0[1)] |
| Истеъмол товарлари | 8559,7 | 101,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3627,2 | 106,7 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 8044,9 | 108,5 |
| Қурилиш ишлари | 5953,6 | 119,4 |
| Юк айланмаси, млрд.тн–км | 19,1 | 107,8 |
| Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км | 21,7 | 103,4 |
| Чакана товар айланмаси | 17562,7 | 112,8 |

[1)] ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) физик ҳажми индекси 107,0 фоизни ташкил қилди

| | Млрд. сўм | 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Хизматлар, жами** | **18601,6** | **112,1** |

## Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–мартида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 35750,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 7,5 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 78,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 21,7 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

Январь–мартда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

**2015 й.**




**2016 й.**







**2016 йилнинг январ–мартида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби қуйидагича ифодаланади:**




## Корхоналар ва ташкилотлар

## фаолиятининг умумий тавсифи
**(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 282,0 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари
сони 261,9 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 92,9 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,8 фоизи), саноат (16,2 фоизи), қурилиш (8,4 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | минг бирлик | якунга нисба- тан фо- изда | минг бирлик | якунга нисба- тан фо- изда |
| Жами | 282,0 | 100 | 261,9 | 100 |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 20,0 | 7,1 | 18,1 | 6,9 |
| саноат | 45,8 | 16,2 | 42,7 | 16,3 |
| қурилиш | 23,8 | 8,4 | 21,6 | 8,2 |
| савдо | 67,0 | 23,8 | 60,4 | 23,1 |
| ташиш ва сақлаш | 10,8 | 3,8 | 10,1 | 3,9 |
| яшаш ва овқатланиш бўйча хизматлар | 16,0 | 5,7 | 14,8 | 5,7 |
| ахборот ва алоқа | 7,1 | 2,5 | 6,5 | 2,5 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 8,3 | 3,0 | 8,2 | 3,1 |
| бошқа фаолият турлари | 83,2 | 29,5 | 79,5 | 30,3 |

**Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 86,2 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан**
**29,7 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 54,7 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.**

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:**

**1 апрель ҳолатига,**
**умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида**




**2016 йилнинг январь–мартида жами 8,8 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 8,5 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,3 фоизи), Тошкент (10,0 фоизи), Фарғона (8,4 фоизи) ва Самарқанд (7,6 фоизи) вилоятларига тўғри келади.**

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона**
**ва ташкилотларнинг 23,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 20,0 фоизи саноат ва 9,6 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.**

**Ҳисобот даврида 5,4 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1,0 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 19,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.**

**2016 йилнинг январь–мартида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:**

**<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>**



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар
натижасида 2016 йилнинг январь–мартида 8480 та кичик бизнес субъектларини (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 фоизга кўпдир).

2016 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

–10062,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8039,2 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 2023,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

–саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8908,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 37,3 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 118,0 фоизни ташкил қилди;

–3235,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 138,2 фоизни ташкил қилди;

–4072,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,4 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 117,6 фоизни ташкил қилди;

–автомобил транспорти юк айланмасининг 6,8 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 6,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 90,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

–чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,8 фоизи ёки 15596,8 млрд. сўми (ўсиш 17,6 фоиз) шакллантирилди;

2016 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|

| | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Саноат | 8908,6 | 42,8 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3494,1 | 100,0 |
| Қурилиш | 4072,6 | 61,1 |
| Чакана савдо | 15596,8 | 81,9 |
| Юк ташиш, млн.тн | 109,8 | 65,8 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 1406,3 | 91,5 |

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9314,7 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,6 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг январь–мартида 178 та (дастур доирасидаги
ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилоятида 35 та, Қорақалпоғистон Республикасида 26 та, Тошкент вилоятида 24 та,Сурхондарё вилоятида 22 та, Қашқадарё вилоятида 15 та объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 127 та объектни ташкил этади.

2016 йилнинг январь–мартида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 30,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 49,6 фоизи), Тошкент (8,1 фоиз), Наманган (6,8 фоиз),

**Бухоро (6,0 фоиз), Фарғона (5,8 фоиз), Хоразм (5,3 фоиз) ва Қашқадарё (5,0 фоиз) вилоятларига тўғри келади.**

## Саноат

**Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модеренизация қилиш, техник ва технологик жихатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, 2016 йилнинг I чорагида республика саноатининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади. 2016 йилнинг январь–март ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 23908,6 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 4,1 фоизга ошди.**

**Тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлашга қаратилган чора–тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг саноат умумий ишлаб чиқаришидаги улуши 37,3 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 32,6 фоиз) ўсишига сабаб бўлди.**

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2016 йилнинг январь–мартида 981,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси ривожланишига олиб келмоқда.**

**Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмининг кенгайтирилиши бўйича амалга оширилган чора–тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ортишига сабаб бўлиб, 2016 йилнинг январь–мартида 8559,7 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 фоизни ташкил қилди, жумладан озиқ–овқат маҳсулотлари 4429,2 млрд. сўмни ва 116,4 фоизни, нозиқ–овқат маҳсулотлари эса 4130,5 млрд. сўмни ва 89,7 фоизни ташкил қилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 35,8 фоизга етди.**

**2016 йилнинг январь–мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:**

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми | 23908,6 | 106,0 |
| Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 2697,3 | 106,2 |
| улардан: | | |
| кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш | 1587,3 | 107,7 |
| Металл рудаларини қазиб олиш | 808,3 | 103,2 |
| тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият | 179,3 | 112,7 |
| Қайта ишлаш саноати | 18465,6 | 106,0 |
| ундан: | | |
| озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 5152,8 | 114,9 |
| тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 4039,4 | 114,6 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш | 475,5 | 122,2 |
| ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 164,5 | 125,5 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 694,6 | 99,2 |
| кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 1929,3 | 129,4 |
| асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш | 163,0 | 112,8 |
| бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 1294,0 | 110,6 |
| металлургия саноати | 1675,7 | 104,2 |
| машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 2599,8 | 75,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 2590,8 | 104,6 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 154,9 | 119,9 |
| Истеьмол маҳсулотлари | 8559,7 | 101,7 |
| шу жумладан: | | |
| озиқ–овқат | 4429,2 | 116,4 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **ноозиқ–овқат** | **4130,5** | **89,7** |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**




## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

**2016 йилнинг январь–мартида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларини ишлаб чиқариш умумий ҳажми 3627,2 млрд.**

**сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳалардаги хизматлар – 3578,4 млрд. сўмни (106,7 фоиз), ўрмон хўжалигида**
**– 13,6 млрд. сўмни (100,2 фоиз), балиқчилик хўжалигида – 35,2 млрд. сўмни (110,1 фоиз) ташкил қилди.**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**




**Деҳқончилик. 2016 йилнинг январь–мартида деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 777,6 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,0 фоизни (2015 йилнинг январь–мартида–106,2 фоиз) ташкил қилди.**

**2016 йилнинг январь–мартида 53,1 минг тонна (2015 йилнинг январь–мартига нисбатан–10,6 фоизга кўп) сабзавотлар йиғиб олинди. Сабзавот етиштиришда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг улуши 71,4 фоизни, фермер хўжаликларида–15,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда–12,9 фоизни ташкил қилди.**

**Чорвачилик. 2016 йилнинг январь–мартида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2770,6 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизни (2015 йилнинг январь–мартида–106,3 фоиз) ташкил қилди.**

**2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 629,1 минг бошга (5,8 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 81,1 минг бошга (2,0 фоизга), қўй ва эчкилар сони 615,2 минг бошга (3,3 фоизга), паррандалар сони 4158,5 минг бошга (7,3 фоизга) кўпайди.**

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, сигирлар мос равишда – 94,6 ва 4,5 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,4 ва 7,2 фоизни, отлар – 84,9 ва 9,2 фоизни, паррандалар – 64,6 ва 11,6 фоизни ташкил қилди.

2016 йил 1 апрель ҳолатига барча хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

| | минг бош | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Йирик шохли қорамол | 11536,3 | 105,8 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 558,1 | 103,2 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 10851,3 | 105,9 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 126,9 | 107,8 |
| шу жумладан сигирлар | 4188,5 | 102,0 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 189,6 | 101,2 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3962,6 | 102,0 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 36,3 | 105,5 |
| Қўй ва эчкилар | 19429,5 | 103,3 |
| шу жумладан: | | |

| | минг бош | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| фермер хўжаликлари | 1394,7 | 104,5 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 16204,7 | 103,3 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1830,1 | 102,5 |
| Отлар | 217,7 | 101,9 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 20,0 | 98,9 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 184,9 | 102,2 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 12,8 | 102,2 |
| Паррандалар | 61222,4 | 107,3 |
| шу жумладан: | | |
| фермер хўжаликлари | 7078,7 | 105,8 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 39572,2 | 111,8 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 14571,5 | 97,3 |

2016 йилнинг январь–мартида барча тоифадаги хўжаликларда 425,8 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2015 йил январь–мартига нисбатан 6,1 фоизга кўп), 1594,8 минг тонна сут (6,4 фоизга кўп), 1180,4 млн. дона тухум (6,7 фоизга кўп), 0,7 минг тонна жун (4,9 фоизга кўп) етиштирилди.

2016 йилнинг январь–мартида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | миқдори | жамига нисбатан, фоиз ҳисобида | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 425,8 | 100,0 | 106,1 |
| шу жумладан: | | | |
| фермер хўжаликлари | 11,4 | 2,7 | 105,1 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 399,6 | 93,8 | 106,2 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 14,8 | 3,5 | 105,4 |
| Сут, минг тн. | 1594,8 | 100,0 | 106,4 |
| шу жумладан: | | | |
| фермер хўжаликлари | 60,4 | 3,8 | 105,6 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1519,8 | 95,3 | 106,5 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 14,6 | 0,9 | 107,3 |
| Тухум, млн. дона | 1180,4 | 100,0 | 106,7 |
| шу жумладан: | | | |
| фермер хўжаликлари | 118,1 | 10,0 | 109,6 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 578,8 | 49,0 | 112,7 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 483,5 | 41,0 | 99,8 |
| Жун, тн. | 702 | 100,0 | 104,9 |
| шу жумладан: | | | |
| фермер хўжаликлари | 87 | 12,4 | 113,0 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) | 606 | 86,3 | 103,8 |

| | миқдори | жамига нисбатан, фоиз ҳисобида | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| хўжаликлари | | | |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 9 | 1,3 | 112,5 |
| Қоракўл тери, минг дона | 422,0 | 100,0 | 101,0 |
| шу жумладан: | | | |
| фермер хўжаликлари | 23,4 | 5,5 | 103,0 |
| деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 376,0 | 89,1 | 102,5 |
| қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 22,6 | 5,4 | 79,7 |

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 93,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 49,0 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь–мартида фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми 221,3 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан
4,9 фоизга ўсди. Фемер хўжаликларининг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуши 6,2 фоизни ташкил қилди.

2015 йилнинг 1 апрели билан солиштирилганда фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 17,2 минг бошга (ёки 3,2 фоизга), сигирлар 2,3 минг бошга (1,2 фоизга), қўй ва эчкилар 59,9 минг бошга (4,5 фоизга), паррандалар 390,3 минг бошга (5,8 фоизага) кўпайди.

2016 йилнинг январь – мартида фермер хўжаликлари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари қуйидагича ифодаланади:

| | миқдори | умумий ҳажмга нисбатан фоизда | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Сабзавотлар, минг.тонна | 8,3 | 15,7 | 104,7 |
| Гўшт (тирик вазнда), минг.тонна | 11,4 | 2,7 | 105,1 |

| | миқдори | умумий ҳажмга нисбатан фоизда | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Сут, минг.тонна | 60,4 | 3,8 | 105,6 |
| Тухум, млн. дона | 118,1 | 10,0 | 109,6 |
| Жун, тонна | 87 | 12,4 | 113,0 |
| Қоракўл, минг дона | 23,4 | 5,5 | 103,0 |

## Инвестициялар ва қурилиш

2016 йилнинг январь–мартида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8044,9 млрд.сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 2,8 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди) ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 108,5 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 22,5 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 0,9 фоизга ортди.

2016 йилнинг январь–мартида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

| | Жами | шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича: давлат | нодавлат |
|---|---|---|---|
| Жами инвестициялар, млрд.сўм | 8044,9 | 1226,0 | 6818,9 |
| шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | |
| давлат бюджети маблағлари | 382,1 | 26,5 | 0,9 |
| давлат мақсадли фондлари маблағлари | 380,8 | 29,5 | 0,3 |
| корхоналар ва аҳоли маблағлари | 4460,3 | 21,3 | 61,6 |

| | Жами | шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича: | |
|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат |
| чет эл инвестициялари ва кредитлари | 2082,2 | 15,1 | 27,8 |
| банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 434,7 | 1,9 | 6,0 |
| Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 263,7 | 2,4 | 3,4 |
| Болалар спортини ривожлантриш фонди маблағлари | 41,1 | 3,3 | – |

2016 йилнинг январь–мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд.сўм | умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Жами | 8044,9 | 100,0 |
| шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича: | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 268,0 | 3,3 |
| Тоғ–кон саноати | 1623,6 | 20,2 |
| ундан: | | |
| хом нефть ва табиий газ | 1560,9 | 19,4 |
| металл рудалар | 23,1 | 0,3 |
| Қайта ишлаш саноати | 1229,0 | 15,3 |

| | млрд.сўм | умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| ундан: | | |
| озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари | 190,4 | 2,4 |
| тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим | 244,5 | 3,0 |
| кимё маҳсулотлари | 160,0 | 2,0 |
| нометалл минерал маҳсулотлар | 147,6 | 1,8 |
| металлургия | 141,5 | 1,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 262,1 | 3,3 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 89,2 | 1,1 |
| Қурилиш | 630,8 | 7,8 |
| Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 468,2 | 5,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 829,2 | 10,3 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 57,8 | 0,7 |
| Ахборот ва алоқа | 204,9 | 2,6 |
| улардан: | | |
| алоқа | 188,9 | 2,3 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 81,7 | 1,0 |

| | млрд.сўм | умумий ҳажмга нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Кўчмас мулк билан операциялар | 117,5 | 1,5 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 140,3 | 1,7 |
| Таълим | 189,5 | 2,4 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 152,0 | 1,9 |
| улардан: | | |
| соғлиқни сақлаш | 146,1 | 1,8 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 59,2 | 0,7 |
| Бошқа фаолият турлари | 252,9 | 3,1 |
| бундан ташқари: | | |
| Уй-жой қурилиши | 1389,0 | 17,3 |

**Чет эл инвестициялари ва кредитларини алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:**

**умумий ҳажмга нисбатан фоизда**




## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

**2016 йилнинг январь–мартида умумий майдони 2076,2 минг кв.м. бўлган 15,0 мингта уй ёки 15,3 мингта хонадон (2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 105,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 1378,4 минг кв.м. (105,5 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.**

**Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 82,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 56,6 фоизини ташкил қилди.**

**Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 39,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди бу эса таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг**
**20,6 фоизини ташкил қилди.**

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 74,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 39,2 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 36,4 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 16,9 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 46,4 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 16,0 млрд. сўм (44,0 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 3,5 млрд. сўм (9,6 фоизи), ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 1,8 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 1,3 млрд. сўм (72,2 фоизи), корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 0,5 млрд. сўм (27,8 фоизи)ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2016 йилнинг январь–мартида 5953,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 119,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>




## Транспорт

**Юк ташиш.** 2016 йилнинг январь–мартида барча турдаги транспорт томонидан 300,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 19,1 млрд.тн–км.ни ёки 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 107,8 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2016 йил январь–март | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн. | 300,6 | 103,9 |
| темир йўл транспортида | 16,7 | 100,6 |
| автомобил транспортида | 264,6 | 103,5 |
| ҳаво транспортида, минг тн | 5,5 | 129,9 |
| қувур йўллари орқали | 19,3 | 113,3 |
| Юк айланмаси, млн. тн–км | 19079,4 | 107,8 |
| темир йўл транспортида | 5506,2 | 100,0 |
| автомобил транспортида | 4836,9 | 103,7 |
| ҳаво транспортида | 26,0 | 105,6 |
| қувур йўллари орқали | 8710,3 | 116,0 |

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига

**нисбатан фоиз ҳисобида**




**2016 йилнинг январь–мартида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:**

| | минг тонна | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Юклар – жами** | **16692,0** | **100,6** |
| **шу жумладан:** | | |
| **тошкўмир** | **839,2** | **89,0** |
| **нефт маҳсулотлари** | **2768,8** | **94,0** |
| **қора металлар** | **215,4** | **84,7** |
| **қора метал темир–терсаклари** | **189,3** | **102,4** |
| **кимёвий ва минерал ўғитлар** | **1125,1** | **93,1** |
| **қурилиш материаллари** | **1950,6** | **108,5** |
| **цемент** | **1315,8** | **114,0** |
| **ёғоч–тахта материаллари** | **5,0** | **45,5** |
| **дон ва янчилган дон маҳсулотлари** | **219,5** | **81,1** |

**Автомобил транспортида 264,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 3,5 фоизга кўпдир.**

Юк айланмаси 4,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 3,7 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2015 йил январь–март даражасидан 6,3 фоизга кўпайди ва 3,7 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 75,7 фоизни (2015 йилнинг январь–мартида 73,9 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 5,5 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 29,9 фоизга кўпдир, юк айланмаси эса 5,6 фоизга ортиб, 26,0 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 8,7 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,0 фоизга ортди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 1593,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 3,5 фоизга ортди. Йўловчи ташиш айланмаси 3,4 фоизга кўпайиб, 21,7 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2016 йил январь–март | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 1593,1 | 103,5 |
| темир йўл транспортида | 4,8 | 104,1 |
| автомобил транспортида | 1572,1 | 103,6 |
| ҳаво транспортида | 0,5 | 96,1 |
| шаҳар электр транспортида | 15,7 | 93,3 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км | 21687,2 | 103,4 |
| темир йўл транспортида | 895,8 | 103,7 |
| автомобил транспортида | 19234,2 | 104,2 |
| ҳаво транспортида | 1446,6 | 94,2 |
| шаҳар электр транспортида | 110,6 | 97,5 |

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,7 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,7 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 4,1 фоизга ошди ва 4,8 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 3,7 фоизга ошди ва 895,8 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 470,4 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 3,9 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 1446,6 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан, мос равишда, 6,3 фоизга ортди.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси 17562,7 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг январь–мартига нисбатан 112,8 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь–мартида чакана товар айланмаси таркиби мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Жами | 17562,7 | 112,8 |
| давлат мулки | 24,2 | 100,4 |
| нодавлат мулки | 17538,5 | 112,8 |
| шундан: | | |
| фуқароларнинг хусусий мулки | 12812,0 | 117,4 |

**Йирик корхоналар чакана савдо товар айланмаси 1965,9 млрд.сўмни, умумий чакана савдо товар айланмасида уларнинг улуши 11,2 фоизни ташкил қилди.**

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 17,6 фоизга кўпайиб, 15596,8 млрд. сўмни, чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши эса 88,8 фоизни ташкил қилди.**

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 2385,9 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,3 фоизга ошди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши**
**13,6 фоизни ташкил қилди.**

**2016 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:**

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Жами | 17562,7 | 112,8 | 100,0 |
| йирик корхоналар | 1965,9 | 85,1 | 11,2 |
| кичик тадбиркорлик | 15596,8 | 117,6 | 88,8 |
| шундан: | | | |
| уюшмаган савдо товар айланма-си | 2385,9 | 103,3 | 13,6 |

**Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь–мартида қуйидагича ифодаланади:**

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Жами хизматлар | 18601,6 | 112,1 | 100,0 |
| шу жумладан асосий турлари бўйича: | | | |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида | умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 1312,6 | 110,2 | 7,1 |
| Молиявий хизматлар | 2212,9 | 122,9 | 11,9 |
| Транспорт хизматлари | 5646,3 | 109,9 | 30,3 |
| шу жумладан | | | |
| автотранспорт хизматлари | 3075,7 | 115,7 | 16,5 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 362,4 | 109,9 | 1,9 |
| Савдо хизматлари | 5084,6 | 113,1 | 27,3 |
| Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 608,2 | 112,5 | 3,3 |
| Таълим соҳасидаги хизматлар | 790,1 | 103,3 | 4,2 |
| Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 274,2 | 114,0 | 1,5 |
| Ижара ва прокат хизматлари | 421,7 | 111,4 | 2,3 |
| Компьютер ва маиший техника товарларини тамирлаш хизматлари | 425,4 | 110,0 | 2,3 |
| Шахсий хизматлар | 634,4 | 108,7 | 3,4 |
| Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синов- лар ва таҳлил соҳасидаги хизмат- лар | 182,2 | 106,8 | 1,0 |
| Бошқа хизматлар | 646,6 | 110,0 | 3,5 |

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар 122,9 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 114,0 фоизга, савдо соҳасидаги хизмат- лар

113,1 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар 112,5 фоизга ошиб, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт хизматлари (жами хизматларнинг 30,3 фоизи), савдо хизматлари (27,3 фоизи), молиявий хизматлар (11,9 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,1 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

## Нархлар

### Нарх индексларининг ўзгариши Январь–мартда (нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

| | ўртача ойлик даражаси | | март ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан | |
|---|---|---|---|---|
| | 2015й. | 2016й. | 2015й. | 2016й. |
| Истеъмол нархлари индекси | 0,7 | 0,7 | 2,1 | 2,0 |
| Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси | 0,7 | 1,6[1)] | 2,2 | 4,9 |

### Январь–мартда асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 2016 й. |
|---|---|
| Саноат фаолияти | 104,9 |
| Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 100,6 |
| Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш | 100,7 |

| | 2016 й. |
|---|---|
| Металл рудаларини қазиб олиш | 100,0 |
| Қайта ишлаш саноати | 106,0 |
| Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 107,8 |
| Ичимликлар ишлаб чиқариш | 114,6 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 105,5 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 99,8 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 101,7 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 123,2 |
| Металлургия саноати | 105,8 |
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 103,3 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 110,1 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 101,6 |

| | 2016 й. |
|---|---|
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 101,4 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 103,6 |

## Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31681,6 минг кишини ташкил қилди
ва йил бошидан 106,3 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди. Шундан, 16009,6 минг киши – шаҳар жойларида (аҳоли умумий сонининг 50,5 фоизи) ва 15672,0 минг киши – қишлоқ жойларида (49,5 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–мартда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

| | минг киши | | ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|
| | 2015 йил | 2016 йил | 2015 йил | 2016 йил |
| Туғилганлар | 142,2 | 147,9 | 18,6 | 18,8 |
| Ўлганлар | 35,3 | 35,9 | 4,6 | 4,6 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар (ҳар 1000 та туғилганга) | 1,8 | 1,7 | 10,1 | 9,9 |
| Никоҳлар, мингта | 51,1 | 47,0 | 6,7 | 6,0 |
| Ажралишлар, мингта | 7,2 | 7,3 | 0,9 | 0,9 |

Туғилиш даражаси. 2016 йилнинг январь–мартида туғилганлар сони 147,9 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (142,2 минг киши) нисбатан 5,7 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,8 промиллени ташкил қилди

ва 2015 йилнинг шу даврига (18,6 промилле) нисбатан 0,2 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь–мартида ўлганлар сони 35,9 мингтани ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (35,3 минг киши) нисбатан 0,6 минг кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2015 йил январь–мартда – 4,6 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 63,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,5 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–мартида бир ёшга тўлмаган 1,7 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 9,9 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь–мартида 10,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 49,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 30,8 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 9,8 фоизи – туғма аномалиялардан ва 3,4 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь–мартида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 47,0 мингта никоҳлар ва 7,3 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,0 та (2015 йилнинг шу даврида – 6,7 та) никоҳ ва 0,9 та (2015 йилнинг шу даврида – 0,9 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 38,1 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 43,8 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 5,7 минг кишига (2015 йилнинг шу даврида – минус 5,6 минг киши) тенг бўлди.

## Бандлик ва меҳнат бозори

Бандлик. 2016 йилнинг январь–март ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13776,8 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 43,6 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь–март ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13046,5 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасида (3,8 фоизга), ахборот ва алоқа соҳасида (3,8 фоизга), савдо соҳасида (3,6 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (3,6 фоизга), қурилишда (3,3 фоизга) кузатилди.

**2016 йилнинг январь–мартида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,7 фоизни ташкил этди.**

**Нодавлат секторда жами бандлар улуши 81,7 фоизга етди, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 81,4 фоизни ташкил қилган.**

**Ишсизлик[1]. 2016 йил март ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 4,1 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига (4,2 минг киши) нисбатан 3,4 фоизга камайган.**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2016 йил январь–мартида 730,3 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,3 фоизга тенг бўлди.**

[1] Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида